

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

8 «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришни кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1207-2*

(2012 йил 14 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги 283-сон «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқарув функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 454-модда) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2003 йил 18 январдаги 01/07-81-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1207, 2003 йил 22 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил 1-2-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 3 майдаги 01/23-18/01-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштирилган объектларнинг фаолият соҳасини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1207-1, 2011 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 211-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

1 (501)-сон

— 49 —

8, 10-моддалар

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис в.б.

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 9 декабрь,
0/17-18/14-сон